

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ**

ШОИР ВА ДРАМАТУРГ

Тошкент – 2006

0

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ**

ШОИР ВА ДРАМАТУРГ

*Ҳайдар Муҳаммад таваллудининг 70 йиллиги
муносабати билан*

Методик-библиографик қўлланма

Тошкент – 2006

78.342

Ш 74

Илмий-методик бўлим томонидан тайёрланди

Тузувчи

М.Матмурадова

Мухаррир

Ҳ.Маматраимова

Масъул муҳаррир

О.Қиличбоев

Матн терувчи

З.Жалилова

Шоир ва драматург: Ҳайдар Муҳаммад таваллудининг 70 йиллиги муносабати билан: Метод.-библиогр. қўлл. / Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-наси; Тузувчи М.Матмуродова; Мухаррир Ҳ.Маматраимова; Масъул муҳаррир О.Қиличбоев.-Т.: Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-наси нашриёти.-2006.- 28 б.

КБК 78.342+83.3(5 Ў) 6-8

Шоир ва драматург Ҳайдар Муҳаммад таваллудининг 70 йиллигига бағишланган ушбу методик-библиографик қўлланма адабиётимиз ривожига ҳисса қўшган ва қўшаётган ижодкорни, унинг меросини чуқур ўрганиш, тарғиб қилишда ахборот-кутубхона ва ахборот ресурс марказлари ходимларига ёрдам бериш мақсадида тузилган. Унда ахборот-кутубхона ва ахборот ресурс марказларида кутубхоначилар ўтказиши мумкин бўлган тадбирлар туркуми ҳақида маълумотлар берилган.

© Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси
нашриёти, 2006 й.

МУҚАДДИМА

*Ишиқ баҳорида икки дил куйлашса,
Муҳаббат тори ширин жсаранглагай.
Само бағрида юлдузлар майин сўзлашса,
Ошиқ кўзлари камалак ранглар англаган.
Ҳайдар Муҳаммад*

Шоир ва драматург Ҳайдар Муҳаммад ўз мактабининг ноёб дурдона қалб эгаси бўлиши билан бирга ўзига хос наср қасрини яратди.

Ҳайдар Муҳаммад дастлаб адабиётга шоир сифатида кириб келган бўлсада, истеъдодли драматург, ҳажвий асарлар муаллифи, публицист, таржимон, кўшиқчи шоир сифатида танилди.

У яратган шеър ва кўшиқларида Ватан мадҳи, Ўзбекистон мустақиллиги, ҳаёт шавқи ва гўзалликлари, севги-садоқат, меҳр-муҳаббат улуғланади, инсоний ҳис-туйғуларни, нозик кечинмаларни ниҳоятда таъсирчан тарзда равшан ифодалагани билан алоҳида ажралиб туради.

Ҳайдар Муҳаммаднинг адабиётимиздаги ўрни ҳақида гап кетганда алоҳида лирик шеърлар, ҳажвиялар, сахна асарлари, қатор драмалар яратган истеъдодли драматург сифатида бой ва мазмунли асарлар яратганини таъкидлаш зарур.

У яратган асарлар ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари каталог ва картотекаларида ўз аксини топган.

2006 йилда шоир ва драматургнинг таваллудига 70 йил тўлади. Ўзбек халқи бу санани нишонлайдилар.

Республика ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларининг вазифаси китобхонлар диққатини Ҳайдар Муҳаммад ижодига жалб қилиш ва унинг ижодини тарғиб қилишдан иборат.

Бу ишда ахборот-кутубхона ва ахборот ресурс марказлари адабиёт тарғиботининг, учрашув кечалари, савол-жавоб кечалари, давра суҳбати, билимдонлар беллашуви, мавзули ва мунозара кечалари, китоб кўргазмалари, асарларининг обзори сингари турли-туман шакл ва усулларидан фойдаланишлари мумкин.

Бундай тадбирлар туркумини ташкил этиш учун ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларига филологлар, ёзувчи ва шоирлар, адабиётшунослар, санъаткорлар, журналистлар ҳамда адабиёт ўқитувчиларини жалб қилиш лозим.

Ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларига «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказининг жойлардаги бўлимлари, “Маҳалла”, “Олтин мерос”, “Соғлом авлод учун”, Нуруний” жамғармалари, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, ёзувчилар, шоирлар, санъаткорлар, адабиётшунослар, хотин-қизлар кўмиталари, журналистлар билан ҳамкорликда оммавий тадбирларни ташкил этишлари ва ўтказишларини маслаҳат берамиз.

Ушбу методик-библиографик қўлланмада ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларида шоир ва драматургнинг 70 йиллигига бағишланган тадбирларни ўтказишда кутубхоначиларга ёрдам бериш мақсадида китобхонлар билан ишлашнинг айрим шакллари кўриб чиқилган.

Ҳайдар Муҳаммад ҳаёти ва ижодий фаолиятига бир назар

Ҳайдар Муҳаммад кўшиқчи шоир ва ноёб драматурглардан биридир. У ўзининг теран фалсафий, хассос ва ҳаётбахш реалистик ижоди билан ҳозирги замон ўзбек адабиётида янги саҳифа очди.

Ҳайдар Муҳаммад 1936 йилда Тошкентда таваллуд топган.

У 1966 йилда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг кечки филология бўлимини тугатган.

Ҳайдар Муҳаммад Ўзбекистон телерадиосида (1965-1976) муҳаррирлик қилган. У 1976-1980 йилларда Маданият ишлари вазирлигида масъул вазифаларни бажарган. Кўп йиллар Ҳамза номли Академик драма театрида адабий эмакдош вазифасида хизмат қилган.

У адабиётга шоир сифатида кириб келди ва ўзига хос мазмунли шеърлар ёзди. Шоирнинг биринчи шеърий тўплами “Кўнглим менинг” номи билан 1975 йилда нашр этилди.

Жумладан “Кўнглим менинг” шеърида улуғ туйғулар улуғланган.

*Сўзларингга, севгилим ташнадир кўнглим менинг,
Меҳр оқувчи сен томон чашмадур кўнглим менинг.*

Шундан сўнг “Олчамнинг туғилган куни” (1978), “Йўлларингга муштоқман” (1979), “Ипак гиламлар” (1991), “Ҳазилкаш шоҳ” (Сайланма, 1994) каби шеърий ва драматик асарлари, тўпламлари чоп этилган. У кўшиқчи шоир сифатида жуда кўплаб шеърлар ёзган. 150 га яқин шеърига куй басталанган. Бу куйлар Ўзбекистон радиосининг хазинасида сақланади ва кундалик эшитти-

ришларда мунтазам фойдаланиб келинади. Айниқса, “Дилбаримсан”, “Хатларим етмасмикан”, “Ёзган хатинг кўлимда”, “Севги баҳори”, “Нозик савол”, “Томчилар” каби кўшиқлари кўп йиллардан бери ижро этилиб келинмоқда. Бу кўшиқларни Коммуна Исмоилова, Таваккал Қодиров, Фахриддин Умаров, Насиба Абдуллаева, Комилжон Юсупов, Ёркиной Ҳатамова каби хонандалар куйладилар ва куйланмоқда. Кўшиқлар одамларга рухий хузур-ҳаловат, завқ-шавқ бахш этиб келмоқда.

Унинг болалар учун ёзилган бир қатор кўшиқлари мактаб ва боғча дасталари томонидан куйланади.

Маълумотларга кўра Ҳайдар Муҳаммад мусиқа жанрининг жуда кўп турлари учун шеърлар ёзган. “Шоир овози” достони (Сайфи Жалил мусиқаси), “Ёшлигим” сюитаси (Д.Зокиров), “Менинг оппоқ кўшиғим” (Баҳрилло Лутфуллаев мусиқаси) каби туркумлари шулар жумласидандир.

У Ўзбекистон радиосининг адабий-драматик эшиттиришлар таҳририятида муҳаррирлик қилди. Долзарб мавзуларда адабий-бадий эшиттиришлар ташкил этди, радиопьесалар ёзди. Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлигининг репертуар бўлимида ишлаган даври драматик асарларни ўқиб, таҳрир қилиб, муаллифларга фойдали маслаҳатлар бериб боради. Кўплаб пьесаларни ўқиш, ёзувчилар билан ижодий мулоқотда бўлиш Ҳайдар Муҳаммадни драматургия дунёсига бошлади. У «Тошкентнинг нозанин маликаси» номли илк мусиқали драмасини ёзди. Ушбу драмада ҳалоллик, поклик, одиллик сингари олий инсоний туйғулар тараннум этилган. Бу асар Муқимий номидаги давлат мусиқа драма театрида сахналаштирилди.

Драматург шундан кейин “Хотинлар “гап”идан чиққан хангома”, “Сехрли танбур”, “Ҳазилкаш шох”, “Кўнгилчинни пиёла”, “Элёр Ботир”, “Сехргар ва айёр”, “Куёвлар

конкурси” (Раҳмат Азизхўжаев билан ҳамкорликда) каби сахна асарларини яратди.

Драматургнинг “Хотинлар “гап”идан чиққан хангома” асари асосида “Темир эркак” деб номланган бадий фильм ҳам суратга олинган. “Ўзбекфильм” студиясида эса фильм-спектакль яратилган. “Ипак гиламлар”, “Навоий бир кун”, “Тошкентнинг нозанин маликаси”, “Жиноят устида ушлансин” деган сахна асарлари; “Гулшан аро”, “Йўлинг топсам”, “Тўй таронаси” сингари кўшиқлари Ўзбекистон, Европа мамлакатларидаги танлов ва фестивалларда соврин ҳамда қимматбаҳо совғалар билан мукофотланган.

Ҳайдар Муҳаммад мумтоз адабиёт, хусусан, Навоий, Бобур ижодини яхши билади. Шунинг учун бўлса керак Навоийнинг “Сабъаи сайёр” достони асосида драма, Бобурнинг ақл-заковатини, журъат ва жасоратини акс эттирувчи “Бобур умрининг бир доवони” тарихий драмасини яратган.

Муаллиф “Сабъаи сайёр” пьесасида Шоҳ Баҳром билан Дилором ўртасидаги ишқий саргузашт йўли акс эттирилган.

Шунингдек, Ҳайдар Муҳаммаднинг қатор латифа, интермедия, ҳажвий ҳикоялари ҳам журнал ва газеталарда чоп этилган.

Ҳайдар Муҳаммад кўпгина асарларни таржима қилган. Унинг таржимаси билан озарбайжон драматурги Анорнинг “Занжир ёки қиёфалар” (Муқимий театри), туркман драматурги Ҳ.Мухторнинг “Неварали келин” (Самарқанддаги Ҳ.Олимжон номли театр), бошқирд драматурги Фарид Богдановнинг “Тунги меҳмон” (Ҳамза номли ўзбек Давлат академик драма театри) каби асарлари ўзбек сахнасига чиққан.

Шунингдек Ҳайдар Муҳаммад Африка адабиётидан “Онам қабрида”, “Рамуалда қабри тепасида”, “Гуллар”, “Чексизлик”, “Қайтиш”, “Ватан” каби шеърларни ўзбек тилига таржима қилган.

Биз ҳали Ҳайдар Муҳаммаддан кўшиқлар ва янги саҳна асарларини кутиб қоламиз. Истиклолнинг нурли истикболини тўлиб-тошиб куйлашдан чарчамасин деб, янги-янги ижодий муваффақиятлар тилаб қоламиз.

Ҳайдар Муҳаммаднинг тўртликлари

Нолима, ҳаётдан нолима дўстим,
Нолишлик заифлик аломатидир.
Тиланиб, ялиниб бахтин топган ким?!
Билсанг, бахт мардликнинг саховатидир.

* * *

Дейдилар, оламини олам йиғлатади,
Ёлғизлик, етимлик ва ғам йиғлатади.
Аламу ғамларни гуноҳкор этманг,
Аслида оламини одам йиғлатади.

* * *

Болани болага дили бор, билгил,
Тарбия қилмоқнинг йўли бор, билгил.
Келажак олдида берамиз жавоб,
Келажак биз учун ҳукмдор, билгил.

* * *

Дев кучи бўлса ҳам қафасда арслон,
Бир ожиз мушукдек мунғайиб ётар.
Бўшовда керилиб мақтанчоқ қуён,
Арслонга кучини намоиш этар.

* * *

Ёшликда ҳамма ҳам дўсту қадрдон,
Ўртада баҳамдир ширинлигу нон.
Дўстлик синалади азиз дўстларим,
Дўстинг сенга раҳбар бўлган замон.

* * *

Оқимга оққанда куч йўқ, қувват йўқ,
Олмадай ўйнатар дарё тўлқини.

Дарёни тўсолсанг пайдо бўлар чўғ,
Ёруғлик, куч-қудрат, нур дерлар уни.

* * *

Яхшилиқ қилмоқлик инсонга зарур.
Соф виждон доимо шуни буюрур.
Ўнтага жабр айлаб бирни эркалаш,
Бу эса жиноят, бу эрур қусур.

* * *

Болани алдаманг ёлғон гап билан,
Ёрқин умидларин қилмангиз сароб.
Оддий ҳақиқатга дуч келгани он,
Тургувси довдираб, соқов бежавоб.

* * *

Яхшилар яхши деса розиман дилдан,
Демак, яхши ишлар қилган эканман.
Ёмонлар яхши деса қоламан тилдан,
Демак, дўстга кирган чақир тиканман.

**“Шоир ва драматург Ҳайдар Муҳаммад ҳаёти ва ижодий
фаолиятини биласизми?”
мавзусида билимдонлар беллашувини ташкил қилишга
тавсиялар**

Беллашувнинг мақсади китобхонларни Ҳайдар Муҳаммад ижоди билан таништириб, шоир ва драматург яратган асарларни ўқиш, ижоди, таржимаи ҳоли, у ҳақидаги асарларни ўрганиш ҳамда кенг китобхонлар оммасига тарғиб этишдан иборат.

Беллашувни ўтказишдан олдин фаол китобхонлардан 2 та билимдонлар гуруҳи тузилади. Уларга асосан мактаб, лицей, коллеж ўқувчилари, олий ўқув юрти талабалари, аспирантлар, санъаткорлар киритилиши мумкин. Ҳар бир гуруҳ 8 ёки 10 нафар китобхондан ташкил топади.

Беллашув ташкилотчилари саволларни тузиб чиқади-лар. Сўнгра шу саволлар ҳар икки гуруҳга мўлжаллаб қўйилади. Бериладиган саволларга доир адабиётлар ва вақтли матбуотларда босилган манбалар тайёр туриши керак. Беллашувга тайёрланиш жараёнида қатнашувчилар ўша манбаларни пухта ўқиб чиқишлари зарур.

Билимдонларнинг эътиборини муаллифнинг алоҳида нашрларига, у ҳақидаги манбаларга қаратиш керак. Беллашув ўтказиладиган ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларида Ҳайдар Муҳаммад ҳаёти ва фаолиятини акс эттирувчи китоб кўрғазмасини ташкил этишни тавсия қиламиз.

Куйида беллашувга қўйиладиган саволлардан намуналар келтирамиз. Шунга қараб билимдонлар қайси асарлардан ва манбалардан фойдаланишлари кераклигини билиб оладилар.

1. Ҳайдар Муҳаммаднинг биринчи шеърий тўпламини айтинг ва у қачон чоп этилган?

(Ҳайдар Муҳаммаднинг биринчи шеърий тўплами “Кўнглим менинг” номи билан 1975 йилда нашр этилган).

2. Унинг қандай шеърий тўпламлари ва асарлари чоп этилган?

(Ҳайдар Муҳаммаднинг “Олчамнинг туғилган куни” (1978), “Йўлларингга муштоқман” (1979), “Ипак гиламлар” (1991), “Ҳазилкаш шоҳ” (Сайланма. 1994) каби шеърий ва драматик асарлари, тўпламлари чоп этилган)

3. Қўшиқчи шоирнинг қайси шеърлари кўп йиллардан буён хонандалар томонидан ижро этилиб келинмоқда?

(Ҳайдар Муҳаммаднинг “Дилбаримсан”, “Хатларим етмасмикан”, “Ёзган хатинг қўлимда”, “Севги баҳори”, “Нозик савол”, “Томчилар” каби қўшиқлари кўп йиллардан бери хонандалар томонидан севилиб ижро этилиб келинмоқда).

4. Қуйида келтирилган парча шоирнинг қайси шеъридан келтирилган?

*Ул санам бермас жавоб, хатларим етмасмикан,
Шунча оҳу нолишим қалбини чертмасмикин?*

* * *

*Ошигининг кўплигидан эҳтимол ул маҳлиқо,
Дил эриб ёзган хатимга эътибор этмасмикан?*

(Хайдар Муҳаммаднинг “Хатларим етмасмикан” шеъридан).

5. Ушбу келтирилган парча шоирнинг қайси шеъридан олинган?

*Маҳбубим, муҳаббат кўзгудир,
Муҳаббат кўзлари сузгудир.
Ошиқнинг тилаги эзгудир,
Маҳбубим, дилингни очақол.*

(Юқорида келтирилган парча шоирнинг “Маҳбубим” шеъридан олинган).

6. Келтирилган ушбу парча шоирнинг қайси шеъридан олинган?

*Дўстлар, мен сизга айтсам тухмат-балодан сақланинг,
Тухмат тошин отган ўшал, беибодан сақланинг.*

* * *

*Дўстига санчган тикан кимсага бермас мурод,
Сангидил бўлган “илиқ” ошинодан сақланинг.*

(Хайдар Муҳаммаднинг “Сақланинг” шеъридан олинган).

7. Қуйида келтирилган парча унинг қайси шеъридан олинган?

*Эътибор қилмас эканман шунчалар дилбармисан?
Севги куйин бунчалар ҳам соз чалар дилбармисан?*

* * *

*Ҳар боқшида телба айлаб ошигинг бечорани,
Бора-бора ташна дилга ўт қалар дилбармисан?
(Ҳайдар Муҳаммаднинг “Дилбармисан” шеърдан
олинган).*

8. Ушбу келтирилган парча шоирнинг қайси шеърдан олинган?

*“Севдим сени”, дединг азизим,
Сўзларингга чиндан ишондим.
Сўзларингни тингладимужим,
Сеҳрли бир отаида ёндим.*

*“Севдим сени”, дейшидир осон,
Севиши қийин, севилиши қийин.
Лаззат бўлиб туюлар у он.
Аламлари билинар кейин.*

(Юқорида келтирилган шеъринг парча шоирнинг “Сўзларингга ишондим” шеърдан олинган).

9. Қуйида келтирилган парча Ҳайдар Муҳаммаднинг қайси асаридан олинган?

*Дастурхончи: Ҳай, қиз пошиша, болалик қилманг.
Каттакон тирқирол Ёздон Собитининг келини бўласиз.
Этганиз, этган. Еганиз олдида, емаганингиз орқангизда
бўлади. Тегизда машина “пақ” этиб очиб, “шақ” этиб ёпиб
юрасиз. Биров мушугингизни пишт, товугингизни пишт
демайди. Илмий ишингиз юришиб кетади. Исматжон ўзи
ёрдам беради.*

Мунаввар: Бас қилинг, йўқолинг, кўзимга кўринманг!

(Ҳайдар Муҳаммаднинг “Тошкентнинг нозанин маликаси” асаридан олинган).

10. Ушбу келтирилган парча муаллифнинг қайси асаридан олинган?

*Мулло Бобон. Шоҳнинг кўнгил очгувчи кунлари кўп
экан. Ҳамиша базми жамшид. Номани соҳиб ихтиёрига*

топишурдик. Карвонсаройда уч кун тунадик. Карвонсарой бетартибликларини сўзлашига тил бормас. Бирни ўнга пуллашмоқда. Шаҳарда очарчилик. Сўнгра “э” йўқ, “бе” йўқ мана бу муҳрланган халтачани тутқаришди.

(Драматург Ҳайдар Муҳаммаднинг “Бобур умрининг бир довони” асаридан олинган).

11. Қуйида келтирилган парча Ҳайдар Муҳаммаднинг қайси асаридан олинган?

Бобур. Муашишага муашишах бирла жавоб.

Менга сенсен бу жаҳондин мақсуд,

Не жаҳон, жисм ила жондин мақсуд.

Агар ботроқ йибормассен жавобим,

Бу хатдин ортиқ улур кечу тобим,

Сени деб барча оламдин кечурмен,

Рафиқу ёру ҳамдамдин кечурмен,

Ушбу ҳолатда нотовон кўнглум,

Ғуссадин топмогин омон кўнглум.

Меҳринг расмини унутмагайсен,

Бевафолик йўлини тутмагайсен.

Аҳду қавминг дуруст маҳкам қил,

Ваъда чун айладинг вафо ҳам қил.

Булбул отин. Маъсума!

Бобур. Ҳа Булбул отун. Маъсума Султонбегим дилимни ром этган дилдора.

(Ҳайдар Муҳаммаднинг “Бобур умрининг бир довони” асаридан олинган).

12. Ушбу парча қайси драмадан олинган?

Мунаввар. Хуш келибсизлар! (Дастурхон ёзиб, ўзига).

Оналари Музаффар акамга сира ўхшамас эканлар-да.

Тугилган кунларида борсам бўларкан. Уялиб бормовдим-да.

Энди ўзлари келишяпти. Музаффар акамнинг бу одатлари

янада менга ёқяпти. Кек сақламас эканлар (Хотинларга).

Мен ҳозир (Чиқиб кетади).

Дастурхончи (Хайрига). Ўзиниям кўнгли борга ўхшайди. Қаранг эшилишини.

(Ҳайдар Муҳаммаднинг “Тошкентнинг нозанин маликаси” драмасидан олинган).

13. Қуйида келтирилган парча шоирнинг қайси шеърдан олинган?

*Мустақил юрт сабоси оромбахш эса, бугун,
Қаҳри қаттиқ аёзнинг захрини кесар бугун,
Эркпарвар диллар яйраб хуррамлик тусар бугун,
Ўксиган кўнгиллар ҳам тоғ қадар ўсар бугун,
Мард Широқ босган изин фарзандлар босар бугун.*

(Ҳайдар Муҳаммаднинг “Кўнглиллар тоғдай бугун” шеърдан олинган).

14. Ушбу парча Ҳайдар Муҳаммаднинг қайси асаридан олинган?

- *Куёв, сизнинг фамилиянгиз Аҳмедов экан, ундан “Аҳ”ни оламиз. Келин, сизнинг фамилиянгиз Мақсудова экан. Ундан “Мақ”ни оламиз. Қани, иккаловини қўшайликчи, нима бўларкин... Аҳ-мақ-ов – Аҳмақова. Аҳмақов бўларкан розимисизлар?-деди мудира маъносига эътибор бермай.*

Келин-куёв бир-бирига қараб илжайишиди.

- *Табриклаймиз Аҳмақовлар оиласи билан,-деди мудира.*

(Юқорида келтирилган парча Ҳайдар Муҳаммаднинг “Келин-куёвнинг янги фамилияси” ҳажвиясидан олинган).

15. Қуйида келтирилган парча унинг қайси латифасидан олинган ва уни давом эттиринг?

Йигит билан қиз учрашувга келишиди. Учрашувнинг дастлабки дақиқаларида йигит қўйнидан қозоғга ўралган оқ сочлик аёлларнинг паригини узатди.

- *Бу нима экан, жоним? – деди қиз ўнгайсизланиб...*

- *Кекса аёлларнинг париги.*

- *Вой, буни мен нима қиламан?*

(Юқорида келтирилган парча Ҳайдар Муҳаммаднинг «Ўхшатмасдан учратмас» латифасидан олинган. Давоми куйидагича:

- *Мен билан учрашувга чиққанда кийиб юрасиз. Нега деганда бу шаҳарда хотинимнинг уруги кўп. Ҳа деса онамнинг дугонаси дейман. Қиз ҳам сумкасидан соқол-мўйлов чиқариб йигитга узатди:*

- *Мана бу оппоқ соқол-мўйловни тезда ёпиштириб олинг, эримнинг уруглари кўрса, катта бувамнинг акалари дейман).*

16. Ушбу парча Ҳайдар Муҳаммаднинг қайси асаридан олинган?

Ҳасан: - Эй, жаҳонгашта, уйланиб нима қиламан. Оғриманган бошимга олтин сирга осиб. Умрим ёлғиз тинч-фароғатда ўтгани яхши эмасми? Хотин деган зот ёмон чиқиб қолса, кунда уруш, кунда жанжал. Бошим пушаймону ғам-ғуссадан чиқмай қолади.

Шоҳ: - Ўзинг баркамол, яхши одамларнинг фарзанди бўлганлигинг учун соҳибжамол ва хулқи хуш қизга майлинг бўлгани яхши. Ташивиш қилма, айтганингдан зиёдроқ қизни ўзим топиб бераман.

(Ҳайдар Муҳаммаднинг “Ҳазилкаш шоҳ” сахна асаридан олинган).

17. Ҳайдар Муҳаммаднинг қайси комедияси асосида фильм яратилган?

(Унинг “Хотинлар “гап”идан чиққан ҳангома” комедияси асосида “Темир эркак” фильми яратилган).

18. Ҳайдар Муҳаммаднинг “Ипак гиламлар” асаридан бир парча ўқиб беринг?

(Фармон Азизов (телефонда): Оборишдимми? Ранги ёқдимми? Сизга ёққан бўлса бўлди, биз хурсанд. Ҳа, энди қўлдан келса яхшилик яхши... Энди бунақа гилам бизга кам келади. Менинг давримда биринчи келиши, илгари келганми, йўқми билмадим. Эскиларнинг бир гапи бор, “гилам

сотсанг қўшинингга сот, бир чеккасида ўзинг ҳам ўтирасан”, деган. Шу мақолга амал қиламиз-да, сизлар давлатимиз таянчи. Биз ҳам сизга суяниб турамыз. Раҳмат! Хайр. Учрашиб турайлик, Сотиболдиевнинг қўлидан бир чуқум- гина ош енг, анча бўлди чойхонада ўтирмаганимизга. Бўпти. Хайр).

19. Унинг қўшиқлари қайси хонандалар томонидан ижро этилган?

(Унинг қўшиқлари Коммуна Исмоилова, Таваккал Қодиров, Фахриддин Умаров, Насиба Абдуллаева, Комилжон Юсупов, Ёркиной Ҳатамова каби хонандалар томонидан севиб куйланган ва куйланмоқда).

20. Ҳайдар Муҳаммад озарбайжон драматургининг қайси асарини таржима қилган?

(Ҳайдар Муҳаммад озарбайжон драматурги Анорнинг “Занжир ёки қиёфалар” драмасини ўзбек тилига таржима қилган ва бу асар Муқимий театрида сахналаштирилди).

Беллашув якунини ҳакамлар маълум балл қўйиш билан якунлайдилар. Бунда жавобларнинг тўғрилиги, батафсиллиги ҳам эътиборга олинади. Ҳакамлар ҳайъатига адабиёт ўқитувчилари, адабиётшунослар, шоир ва ёзувчилар, журналистлар, санъаткорлар ва адабиёт билимдонлари таклиф этилади. Ғолибларни совғалар билан тақдирлаш тавсия этилади. Совғалар тариқасида китоблар, гуллар ва эсдаликлар топшириш мумкин.

Шеърхонлик беллашувини ташкил қилишга тавсиялар

Танловнинг мақсади кўшиқчи шоирнинг севги-садоқат, муҳаббат, баҳор, Ватан, Ўзбекистон, мустақиллик, истиқлол, аёл каби мавзуларида ёзилган шеърларига китобхонларнинг қизиқишларини янада оширишдан иборат.

Беллашув ўтказишдан олдин фаол китобхонлардан 5 та кишидан иборат гуруҳ тузилади. Уларга асосан мактаб, лицей, коллеж ўқувчилари, талабалар, турли касб эгалари киритилиши мумкин.

Беллашув ташкилотчилари қатнашувчиларга бериладиган шартларни тузиб чиқадилар, сўнгра ҳар бир қатнашувчига қуръа ташлаш орқали рақамлари белгиланади. Беллашув қатнашчилари айтмоқчи бўлган шеърининг мавзусини, агар имкон бўлса қачон ёзилганлигини билиши шарт.

Беллашув ташкил қилинадиган ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларида кўшиқчи шоирнинг ҳаёти ва фаолиятини акс эттирувчи китоб кўргазмасини ташкил этиш лозим.

Шунингдек, кўшиқчи шоирнинг санъаткорларимиз томонидан ранг-баранг куйланган кўшиқларидан намуналар магнитофон, видеотасмаларида, дискетлардаги шаклларида фойдаланилса китобхонлар диққатини ўзига жалб қилади.

Қуйида беллашувда айтиладиган шеърлардан намуналар келтирамиз.

1-рақамли қатнашувчи: “Ўзбегим, ўзлигинг муборак” шеъри.

*Ўзбегим, эй халқим ўзлигинг муборак,
Минбарда ўзбекча сўзлигинг муборак.*

*Мустақил давлат деб овоз бердинг сен,
Қанотсиз халқингга парвоз бердинг сен.
Даврлар зулмида сози синганга,
Баралла куйлашга минг соз бердинг сен.*

*Тўла мустақиллик – ёруғ жаҳондир,
Ярим мустақиллик – ўқсиз камондир.
Тўла мустақиллик олган халқларда,
Кўнгиллар нурафшон эркин замондир.*

*Ёлгонлар замони ёлгонлади кўп,
Халқингнинг ошини ёвгонлади кўп.
Жоҳиллик тўқиган сохта фармонлар
Донолар бошини чавгонлади кўп.*

*Олис жигарларим, келинлар энди,
Шамсу қамарларим келинлар энди.
Кўкка кўтарайлик ўзбек диёрин,
Олтин қамарларим, келинлар энди.
(Шеър қискартириб берилди).*

2-рақамдаги катнашувчи: “Ватан жилоси” шеъри.

*Кўшиқларнинг дилбару жаранглиги бор бунда,
Кўшиқ янграр қирларнинг чаманлиги бор бунда.
* * **

*Баҳор севган боғларнинг акси этган намоён,
Маргилоний атласининг минг ранглиги бор бунда.
* * **

*Қулунларнинг кишнаши садо берар тоғлардан,
Қимиз сузар косанинг минг ранглиги бор бунда.
* * **

*Тонг шамоли пахтадан ипак тортар тор-тор,
Ҳар торида танбурнинг таранглиги бор бунда.*

* * *

*Қават-қават уйларга ой чиқади тирмашиб,
Олтин қўли устанинг фаранглиги бор бунда.*

* * *

*Ҳайдар тинглар қўшиқнинг жаранглиги бор бунда,
Қўшиқ айтар элимнинг чечанлиги бор бунда.*

3-рақамдаги қатнашувчи: “Ўзбекистоним ўз!” шеъри.

*Жону жаҳонни безар меҳру муҳаббатли кўз,
Саховатли қўллардан элда мўл-кўл ризқу рўз.
Қулфи дилларни очар ҳар дам адолатли сўз,
Адолатли от сурган Ўзбекистоним, ўз! Ўз!*

* * *

*Эркин қушга ҳамиша осмон бағри кенг,
Эркинликка дунёда нима бўлар тенг?
Озод, эркин халқимга саодатдир мен,
Саодатли от сурган Ўзбекистоним, ўз! Ўз!*

* * *

*Илм олган инсонда камолотдир-камолот,
Илм олмоқ элимда кафолатдир-кафолат.
Илм боғин меваси шарофатдир-шарофат,
Шарофатли от сурган Ўзбекистоним, ўз! Ўз!*

* * *

*Дўсту ёрни сийлаган жамоатга эришгай,
Имо ишни бут қилган ҳидоятга эришгай,
Ўтмишини ёд этган камолотга эришгай,
Камолотли от сурган Ўзбекистоним, ўз! Ўз!*

* * *

*Жамоатда жамулжам яшаганлар кам бўлмас,
Жамоат яхши бўлса бўйинлари ҳам бўлмас,*

*Жамоатнинг бағрида Ҳайдар кўзи нам бўлмас,
Жамоатли от сурган Ўзбекистоним, ўз! Ўз!*

4-рақамдаги қатнашувчи: “Кўнглим менинг” шеъри.

*Сўзларингга, севгилим, ташнадур кўнглим менинг,
Меҳр оқувчи сен томон чашмадир кўнглим менинг.*

* * *

*Кўнглима солсам қулоқ сен томонга уч дегай,
Оҳ, дилингга мунча ҳам ошнадир кўнглим менинг.*

* * *

*Ишқли дилдан жой олур мардлик, жасорат ҳар қачон,
Севгининг майдонига бошла, дер кўнглим менинг.*

* * *

*Севги йўли йўлчисидан оғринишни севмагай,
Бос қадамни, сен дадил ташила, дер кўнглим менинг.*

* * *

*Во ажабки, ишқ қуёши нуруни сочмиш менга,
Ҳайдаро, нур эмишда шошма, дер кўнглим менинг.*

5-рақамдаги қатнашувчи: “Мен сенга боқурман кўзгудан” шеъри.

*Дилингда тинимсиз дарёлар,
Дарёлар – ишқ мулки – дунёлар.
Дунёлар бағрида муҳаббат,
Кўзларим қароғи ардоғлар.*

* * *

*Илтижо, кўзимни толдирма,
Гулишанда сен ёлғиз қолдирма.
Каптарим учирдим сен томон,
Ўзга бир томларга кўндирма.*

* * *

*Каптарим қаноти севгидан,
Кўзлари тугилган сезгидан.
Кифтинг тут бу қушга тонг маҳал,
Мен сенга боқурман кўзгудан.*

* * *

*Кўзгудир маҳбубга чин дилдош,
Кўзгуда сўзлайди кўзу қош.
Кўзу қош ортида дил мулки,
Дил мулки богида сен йўлдош.*

Беллашув 3 босқичдан иборат бўлиб, ҳар бир босқичда баҳоланиб борилади.

Беллашув якунини ҳакамлар маълум балл қўйиш билан якунлайдилар. Бунда шеърларнинг маъно ва мазмуни, айтиувчининг ижрочилик маҳорати ҳам эътиборга олинади. Ҳакамлар ҳайъатига адабиёт ўқитувчилари, ёзувчи ва шоирлар, журналистлар, санъаткорлар, адабиётшунослар таклиф этилади. Ғолибларни совғалар билан тақдирлаш тавсия этилади. Совға тариқасида китоблар, гуллар, қўшиқчи шоирнинг санъаткорлар томонидан айtilган қўшиқлари тўпланган аудио ва видеотасмаларни ҳам топшириш мумкин.

“Қўшиқчи шоир ва драматург” номли китоб-суратли кўргазмасини ташкил этиш учун материаллар

Таклиф этилаётган китоб кўргазмаси ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларида ўтказиладиган тадбирларни тўлдиради.

Кўргазма куйидаги бўлимларни ўз ичига олади:

1. Ҳайдар Муҳаммад биографиясининг саҳифалари

Ҳайдарнинг ўз тингловчиси, ўз ўқувчиси, ўз томошабини бор. Бу ҳар бир ижодкорнинг қўлига қалам олган кунидан бошлаб дилига тугиб қўйган орзусидир.

Саид Аҳмад

Бу бўлимга Ҳайдар Муҳаммад биографияси берилган нашрлар қўйилади.

2. Ҳайдар Муҳаммад шоир

Ҳайдар Муҳаммад қўшиқчи шоир, омадли драматург.

Саид Аҳмад

Бу бўлимда Ҳайдар Муҳаммаднинг шеърӣ тўпламларини ва вақтли матбуотларда чоп этилган шеърларини намойиш этиш лозим.

3. Ноёб драматург

Ҳайдар ака ўзбек театр санъати ва қўшиқчилигининг келажига ҳам ҳисса қўшиб келаяпти.

Қўзибоев Т., Усмонов Э.

Бу бўлимга драматург яратган пьесалар, ҳажвиялар, латифалар, саҳна асарлари ва вақтли матбуотларда берилган манбалар қўйилади.

Ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари ўтказиши мумкин бўлган тадбирлар туркуми

Савол-жавоб кечаси

1. “Ҳайдар Муҳаммадни биласизми?”
2. “Ҳайдар Муҳаммад драмаларини биласизми?” каби мавзуларда;
“Кўшиқчи шоир”, “Улуғ шоир” каби мавзуларда китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

Билимдонлар беллашуви

1. “Ҳайдар Муҳаммаднинг ҳажвияларини биласизми?”
2. “Ҳайдар Муҳаммаднинг латифаларини биласизми?”
3. “Ҳайдар Муҳаммаднинг сахна асарларини биласизми” каби мавзуларда;
“Ҳайдар Муҳаммад маданиятимизнинг ёрқин намояндаси”, “Фидойи драматург” каби мавзуларда китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

Мунозара кечаси

1. “Мумтоз адабиёт вакилларининг Ҳайдар Муҳаммад ижодига таъсири”.
2. “Ҳайдар Муҳаммаднинг драматургия дунёсига кириб келиш сабаблари нимада?”
3. “Муסיқали драмаларининг театр сахналарида узок йиллар қўйилишига сабаб омиллар” каби мавзуларда;
“Моҳир драматург”, “Халқ меҳрига мушарраф драматург” каби мавзуларда китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

Давра суҳбати

1. “Драматург асарларида ҳалоллик, поклик, одиллик каби инсоний туйғуларнинг тараннум этилиши”.
2. “Ҳайдар Муҳаммад асарлари Европа мамлакатларида танлов ва фестивалларида совринли, қимматбаҳо совғалар билан мукофотланишига сабаб нимада?”

3. “Ҳайдар Муҳаммад асарларида оила мавзусининг акс эттирилиши” каби мавзуларда;

“Асарлари дунё кезган”, “Эл севган драматург” каби мавзуларда китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

Учрашув кечаси

а) Ҳайдар Муҳаммад шеърларини кўшиқ қилиб куйлаган хонандалар билан

1. Коммуна Исмоилова. 2. Фахриддин Умаров.

3. Насиба Абдуллаева.

б) Ҳайдар Муҳаммад пьесалари асосида спектаклларда роль ижро этган санъаткорлар билан

1. Яйра Абдуллаева. 2. Ёқуб Аҳмедов. 3. Наима Пўлатова.

в) Унинг асарларига юқори баҳо берганлар билан

1. Азиз Қаяюмов.

2. Саид Аҳмад билан

“Умрларга татигулик сабоқлар”, “Драматург изланишда” каби мавзуларда китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

Адабий-бадиий кеча

1. “Кўшиқлари дилни этар маҳлиё”.

2. “Кўшиғимда куйлайман меҳринг” каби мавзуларда;

“Ўзбекнинг кўшиқчи шоири”, “Ошиқлар қалбини куйлаган шоир” каби мавзуларда китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

Қатнашувчилар: жойлардаги «Маънавият ва маърифат» жамоатчилиқ маркази, “Маҳалла”, “Нуроний”, “Соғлом авлод учун” жамғармалари вакиллари, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, хотин-қизлар кўмиталари, ёзувчилар уюшмаси, шоир ва ёзувчилар, адабиётшунослар, санъаткорлар, актёрлар, театршунослар, журналистлар ҳамда кенг китобхонлар оммасини жалб қилиш мақсадга мувофиқ.

Адабиётлар

Муҳаммад Ҳайдар. Кўнглим менинг: Шеърлар.-Т.: Адабиёт ва санъат нашр., 1975.-62 б.

Муҳаммад Ҳайдар. Олчамнинг туғилган куни: Шеърлар.-Т.: Ёш гвардия, 1978.-23 б.

Муҳаммад Ҳайдар. Йўллариинг муштоқиман: Шеърлар.-Т.: Адабиёт ва санъат нашр., 1979.-38 б.

Муҳаммад Ҳайдар. Ипак гиламлар: Пьесалар.-Т.: Адабиёт ва санъат нашр., 1991.-176 б.

Муҳаммад Ҳайдар. Ҳазилкаш шоҳ: Сайланма.-Т.: Ёзувчи, 1994.-239 б.

* * *

Муҳаммад Ҳайдар. Кўнгиллар тоғдай бугун; Ўзлигинг муборак: [Шеърлар] //Ўзбекистон овози.-1991.-24 сент.

Муҳаммад Ҳайдар. Аёллар, жон аёллар; Оқ ҳаёл-Гулжамол: [Шеърлар] //Тошкент ҳақиқати.-1993.-6 март.

Муҳаммад Ҳайдар. Лола тақиб...: [Шеър] //Тошкент оқшоми.-1993.-22 март.

Муҳаммад Ҳайдар. Кўз ёшларим томчилар; Ўйинчи қизча; Муҳаббатнинг кўчаси: [Шеърлар] //Тошкент ҳақиқати.-1993.-29 апр.

Муҳаммад Ҳайдар. Алла; Яхши ўғил-қизли ота; Нозли ибo яратган: [Шеърлар] //Тошкент оқшоми.-1993.-13 сент.

Муҳаммад Ҳайдар. Раҳматлар дейман: [Шеър] //Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-1994.-15 июль.

Муҳаммад Ҳайдар. Гул тўла жаҳон келди: [Шеър] //Тошкент оқшоми.-1995.-20 март.

Муҳаммад Ҳайдар. Яхшилик қилмоқлик инсонга зарур: [Шеър] //Тошкент оқшоми.-1996.-15 апр.

Муҳаммад Ҳайдар. Шодликларга тўлар ҳар ёш;
Йўлларга тушди бугун: [Шеърлар] //Тошкент оқшоми.-
1997.-15 авг.

Муҳаммад Ҳайдар. Ўзбекистоним ўз!: [Шеър] //Халқ
сўзи.-1998.-11 авг.

Муҳаммад Ҳайдар. Мусаввир (Рўзи Чорига); Ўзим
ёниб бўлдим...; Кипригинг қалқди-ю бир дунё ғамни...:
[Шеърлар] //Қалб кўзи.-1999.-17-23 март.

Муҳаммад Ҳайдар. Биз эккан дарахтлар: [Шеърлар]
//Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-1999.-20 авг.

Муҳаммад Ҳайдар. Сойиб Хўжаев футболист
Г.Красницкийдан “Бир кунга икки оёғингни бериб тур” деб
сўрагани ҳақида: [Ҳангома] //Кўзгу.-2000.-13 янв.

Муҳаммад Ҳайдар. XXI аср санъаткорлар тасавву-
рида: [Шоир ва драматургнинг муносабати] //Театр.-2000.-
№1.-Б.21.

Муҳаммад Ҳайдар. Сойиб Хўжаев бир куни...
//Қишлоқ ҳаёти.-2000.-13 июнь.

Муҳаммад Ҳайдар. Сизга ҳавас қилурлар: [Шеър,
кексаларга аталган] //Нуроний.-2000.-окт. (№16-29).-Б.1.

* * *

Сирожиддин С. Меҳрибон устоз: [Ҳайдар Муҳаммад
ҳақида] // Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-2006.-2 июнь

Ҳайдар Муҳаммад //Мирвалиев С. Ўзбек адиблари:
(XX аср ўзбек адабиёти).-Т.: Ёзувчи, 2000.-Б.158-159.

Акбархўжаев Т. Ижод қувончлари: [Шоир ва
драматург Ҳайдар Муҳаммаднинг ижоди ҳақида] //Театр.-
2001.-№4.-Б.30.

Рўзиева М. Ҳар бир оила бир салтанат: Шоир ва
драматург Ҳайдар Муҳаммад билан суҳбат //Тошкент
оқшоми.-1998.-13 февр.

Қўзибоев Г., Усмонов Э. “Нурдан нарвон ясаб бахт юлдузига...” (Шоир ва драматург Ҳайдар Муҳаммад суратиға чизгилар) //Туркистон.-1996.-13 апр.

Мундарижа

Муқаддима	3
Ҳайдар Муҳаммад ҳаёти ва ижодий фаолиятига бир назар	5
Ҳайдар Муҳаммаднинг тўртликлари	8
Билимдонлар беллашувини ташкил қилишга тавсиялар	9
Шеърхонлик беллашувини ташкил қилишга тавсиялар	17
Китоб-суратли кўргазмани ташкил этиш учун материаллар	22
Ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари ўтказиши мумкин бўлган тадбирлар туркуми	23
Адабиётлар	25

Босишга рухсат этилди 2006 йил “___”Сентябрь
Бичими 60x84 ¹/₁₆ нашр. т.1.75 Адади 300 нусха.
Буюртма №

Тошкент, Ҳ.Сулаймонова кўчаси, 33. Алишер Навоий
номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси босмахонасида
чоп этилди